

ТОМИРЛАР СКЛЕРОЗИГА ХОЛЕСТЕРИН ТАЪСИРИ

А.Машаринов (проф., к.ф. доктори), М.Яхшимуратов (УрДУ магистратура бўлими 1-босқич талабаси)

Склеротик ўзгаришлар киши организмнинг ҳамма томонларини зарарлаши мумкин, аммо мия ва томирларни зарарлантирадиган атеросклероз бу касалликнинг, айниқса, даҳшатли кўринишидир. Атеросклероз вужудга келишининг асосий сабаблари нимада, томирларимизнинг бевақт ейилиб ишдан чиқиши ва унинг одам умрини қисқартирувчи машъум оқибатининг олдини олишда фан нималарга мурожаат қилишни тавсия этади? Олимлар томонидан атеросклерознинг авж олиш сабаби моддалар алмашинувининг бузилиши ва томирлар деворчаларини алоҳида ёғсимон моддалар босишидан иборат эканлиги аниқланганки, бу моддалар ичида холестерин асосий ўринни эгаллайди.

Катта ёшдаги соғлом одамлар қонида холестерин 120 ва 200 миллиграм-фоиз ўртасида бўлади. Холестерин қонда коллоид ҳолатда, яъни қон плазмасида эримай қолган майда заррачалар кўринишида бўлади. Семизроқ одамлар қонида холестерин миқдори озгин одамлардагига қараганда кўпроқ бўлади. Холестерин кам бўлган ўсимликлардан тайёрланган овқат истеъмол қилинганда қонда холестерин гўштли овқатлар ейилгандагига нисбатан оз бўлади. Одам организмида холестериннинг умумий миқдори, тахминан, 50–85 граммдан иборат бўлиб, шундан оқсиллар билан боғлиқ бўлган қарийб 8 грами қонда айланиб юради, тахминан, 25 грами мияда, асосан, унинг оқ моддасида бўлади. Холестерин организмга икки хил йўл билан тушади. Унинг оз қисми организмга овқатлар билан ўтади. Холестерин, айниқса, тухум сариғида, мияда, паюс (қора) икрада, сариёғ ва эритилган ёғда, буйрак ва жигарда, ичак-човоқларда кўп миқдорда бўлади; у қаймоқда, мол ёғида, сутда, ёғли гўшт ва балиқ гўштида бирмунча кам бўлади. Ўсимлик ёғларида холестерин бўлмайди. Холестериннинг анча-мунча қисми организмнинг ўзида пайдо бўлади, бунинг учун зарур овқат моддалари, аввало, ёғлар, сўнгра оқсиллар ва, ниҳоят, углеводлар асос бўлиб хизмат қилади. Холестерин кишининг кўпгина органларида, томирлар деворчаларида ва, айниқса, жигарда таркиб топади. Энг кўп бир кунда, тахминан, бир грамм холестерин меъданинг ишлашидан, 0,1–0,2 миллиграмми сийдик билан бирга чиқарилиб юборилади. Хо-

лестерин алмашиниб туришини тартибга солишда нерв системаси, унинг олий бўлими бўлган бош мия қобиғи катта роль ўйнайди. Ҳар қандай эмоционал қўзғалиш ёки марказий нерв системасининг сиқилиши қонда холестерин даражасини ўзгартирмай қўймайди.

Қалқонсимон без функцияси пасайганда қонда холестерин даражаси кўтарилади ва, аксинча, унинг функцияси кучайганда, масалан, Базедов касаллиги, гипертиреоз пайтида холестерин даражаси камайиб кетади. Холестерин алмашинувининг бузилиши ўтда тош пайдо бўлишига, терида баъзи иллатлар ҳосил бўлишига, атеросклерозга ёмон сифатли ўсмаларнинг ривожланишига олиб келади.

МИНТАҚА ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМИНИ ОПТИМАЛ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

*И.Абдуллаев (УрДУ и.ф.н., доц.), Б.Қўзибоев (иқтисодийт
мутахассислиги магистранти)*

Ўзбекистонда иқтисодиётни барқарор ва юқори суръатларда ўсишини таъминлаш, макроиқтисодий мувозанатга эришиш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, мамлакатни модернизациялаш, ишлаб чиқаришини узлуксиз технологик янгилаш, диверсификациялаш ҳисобига иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини тубдан оширишга эришиш ва бу мақсадларда фаол инвестиция снѐсати амалга оширилмоқда. Нуфузли Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига мувофиқ, Ўзбекистон 2014–2015 йиллардаги ривожланиш якунлари ва 2016–2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олган.

Мустақиллик йилларида мамлакат минтақалари ва иқтисодиёт тармоқларини мувозанатлаш ҳамда комплекс ривожланиши, окиллона минтақавий мутаносибликни сақлаш учун барча имкониятлар яратилди. Бунда минтақалар ролини кучайтириш асосида иқтисодиётни самарали бошқаришни яна-да мукамаллаштириш, минтақа иқтисодиётининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш механизмларини яна-да такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада замонавий прогнозлаш усулларини тўғри танлаш, ишлаб чиқариш ва моддий ресурслардан самарали фойдаланиш имконини беради.